
Ободонлаштириш ишларида депутатлар иштироки

Ободонлаштириш ишларида депутатлар иштироки

Туманимиз узра амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларида Халқ депутатлари Сух тумани Кенгаши депутатлари ҳам фаол иштирок этмоқда. -"Бугун Президентимиз эътибори туфайли Сухимизда асрга татиғулик ишлар амалга оширилаётир. Эътиборга жавобан биз ҳам ташаббускор бўлишимиз, барча ишларда бевосита иштирокчи бўлишимиз лозим, Маҳалламизда бугун иш қизғин - йўллар таъмирланмоқда, ичимлик суви муаммосини бартраф этиш учун ишлар бошлаб оборилди",- дейди депутат Амиржон Сафаров.

Бугун Янгиариқ маҳалласидаги "Обида" кўчасини бетонли қоплама билан қоплаш ишлари давом эттирилмоқда. Бетонли қоплама ётқизиш ишлари маҳалланинг бошқа кўчаларида ҳам амалга оширилади. Шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш, томорқачиликни ривожлантириш бўйича ҳам маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борляпти. Ижтимоий кўмакка мўхтож оилаларга ёрдам бериш, моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилаётир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-07-07 19:57:15